DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojhpl-06-11-25 Pages: 296-305

Oriental Journal of History, Politics and Law

ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl

ROMAN-LAW PROTOTYPES OF THE RIGHT TO PETITION STATE BODIES: THE DOCTRINE OF CLASSICAL JURISTS AND THE LEGISLATION OF UZBEKISTAN

Akmaljon Teshaboevich Isabaev
Chief Consultant, Department of Constitutional Legislation Analysis, Constitutional Court of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy (PhD) in Law
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: right to petition, Roman law, Ulpian, Papinian, Gaius, Julius Paulus, rescript, appeal, appellate review, reception, functional continuity, administrative law.

Received: 01.11.26
Accepted: 02.11.26
Published: 03.11.26

Abstract: This article examines the historical and legal genesis of the right to petition state bodies and its functional manifestation in the legislation of Uzbekistan. The underlying hypothesis is that certain functional elements of the modern right to petition namely, the duty to consider a petition, the requirement that a response be reasoned, the obligation to exercise the right in good faith, procedural form, and guarantees of appeal were articulated as distinct legal constructs in the doctrines of Ulpian, Papinian, Gaius, and Julius Paulus. These elements are compared, on the basis of functional criteria, with the provisions of the Law of the Republic of Uzbekistan No. ZRU-445 of 11 September 2017, On Appeals of Individuals and Legal Entities. The study does not claim the existence of direct legal reception; instead, it distinguishes between functional similarity, legal convergence, and indirect continuity. The findings demonstrate a high degree of functional correspondence in relation to the duty to consider appeals, the requirement of a reasoned response, and procedural form, while revealing significant differences with regard to the suspensive effect of appeals on the execution of decisions.

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ РИМ-ҲУҚУҚИЙ ПРОТОТИПЛАРИ: КЛАССИК ЮРИСТЛАР ДОКТРИНАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ

Акмалжон Тешабоевич Исабаев
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Конституциявий қонунчиликни таҳлил қилиш бўлими бош консультанти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: мурожаат қилиш ҳуқуқи, Рим ҳуқуқи, Ульпиан, Папиниан, Гай, Юлий Павел, рескрипт, шикоят, апелляция, рецепция, функционал ворислик, маъмурий ҳуқуқ.

Аннотация: Мақолада давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқининг тарихий-ҳуқуқий генезиси ва унинг Ўзбекистон қонунчилигидаги функционал ифодаси тадқиқ этилади. Гипотезага кўра, замонавий мурожаат ҳуқуқининг айрим функционал элементлари мурожаатни кўриб чиқиш мажбурияти, жавобнинг асосланганлиги ва виждонан фойдаланиш талаби, процессуал шакл ҳамда шикоят кафолатлари Ульпиан, Папиниан, Гай ва Юлий Павел доктринасида мустақил ҳуқуқий конструкциялар сифатида намоён бўлган. Мазкур элементлар 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-445-сон “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги Қонун нормалари билан функционал мезон асосида қиёсланади. Тадқиқот тўғридан-тўғри рецепцияни даъво қилмайди. Натижалар кўриб чиқиш мажбурияти, жавобнинг асосланганлиги ва процессуал шакл соҳаларида юқори функционал мутаносиблик, шикоятнинг ижрони тўхтатиб туриш таъсирида эса муҳим фарқ мавжудлигини кўрсатади.

РИМСКО-ПРАВОВЫЕ ПРОТОТИПЫ ПРАВА НА ОБРАЩЕНИЕ В ГОСУДАРСТВЕННЫЕ ОРГАНЫ: ДОКТРИНА КЛАССИЧЕСКИХ ЮРИСТОВ И ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО УЗБЕКИСТАНА

Акмалжон Тешабоевич Исабаев
главный консультант отдела анализа конституционного законодательства Конституционного суда Республики Узбекистан, доктор философии (PhD) по юридическим наукам
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: право на обращение, римское право, Ульпиан, Папиниан, Гай, Юлий Павел, рескрипт, жалоба, апелляция, рецепция,

Аннотация: В статье исследуются историко-правовой генезис права на обращение в государственные органы и его функциональное выражение в законодательстве Узбекистана. Согласно

функциональная преемственность, административное право.

гипотезе, отдельные функциональные элементы современного права на обращение — обязанность рассмотрения обращения, обоснованность ответа и требование добросовестного пользования правом, процессуальная форма и гарантии обжалования — проявились в доктрине Ульпиана, Папиниана, Гая и Юлия Павла как самостоятельные правовые конструкции. Данные элементы сопоставляются на основе функционального критерия с нормами Закона Республики Узбекистан № ЗРУ-445 от 11 сентября 2017 года «Об обращениях физических и юридических лиц». Исследование не претендует на утверждение о прямой рецепции. Результаты свидетельствуют о высоком функциональном соответствии в сферах обязанности рассмотрения, обоснованности ответа и процессуальной формы и о существенном различии в отношении приостанавливающего действия жалобы на исполнение.

Кириш. Давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи замонавий конституционализмнинг муҳим институти бўлиб, шахснинг давлат билан мулоқоти, бузилган ҳуқуқларини тиклаши ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши учун ҳуқуқий механизм вазифасини бажаради. Унинг конституциявий шакли нисбатан янги бўлса-да, айрим функционал элементлари анча қадимги ҳуқуқий тажрибаларда учрайди.

Муҳокама ва натижалар. Рим ҳуқуқи анъанавий равишда хусусий ҳуқуқ институтлари орқали ўрганилган. Шу билан бирга, Рим давлат бошқаруви амалиётида шахсларнинг ҳокимият вакилларига мурожаат қилиши, шикоят бериши, император канцеляриясы орқали ҳуқуқий жавоб олиши ва қарорни қайта кўриб чиқишни талаб қилишига оид механизмлар мавжуд бўлган.

Мақолада “замонавий мурожаат ҳуқуқи Рим ҳуқуқида тайёр ҳолда мавжуд бўлган” деган тезис илгари сурилмайди – бундай ёндашув антик категорияларга замонавий тушунчаларни ретроспектив кўчириш хавфини туғдиради. Гипотеза бошқача шакллантирилади: замонавий мурожаат ҳуқуқининг айрим функционал элементларининг рим-ҳуқуқий прототиплари классик юристлар доктринасида мустақил конструкциялар сифатида намоён бўлган ва кейинги тараққиётда замонавий институтларга яқин функцияларни бажарган. Гипотеза тўртта аналитик элемент орқали текширилади:

H1 - мурожаатни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг мажбурийлиги;

H2 - жавобнинг ҳуқуқий асосланганлиги ва мурожаатдан виждонан фойдаланиш;

H3 - мурожаатнинг процессуал шакли;

H4 - қарор устидан шикоят қилиш ва уни қайта кўриб чиқиш кафолатлари.

Методологик асосни тарихий-ҳуқуқий ва қиёсий-ҳуқуқий методлар, манбавий базани Юстиниан Дигестлари [2] ва Гайнинг “Институциялар” и [1] ташкил этади. Асосий мезон – матний ўхшашлик эмас, функционал мутаносиблик. Бунда функционал мутаносиблик автоматик равишда рецепцияни англатмайди: рецепция тарихий таъсир ёки ўзлаштиришни, конвергенция эса мустақил тизимларда ўхшаш вазифаларни ҳал қилиш учун ўхшаш институтларнинг шаклланишини билдиради. Шу боис “рецепция” (лотинча receptio — қабул қилиш, ўзлаштириш) тушунчаси мақолада эҳтиёткорлик билан, функционал ворислик эҳтимоли маъносида қўлланади.

2. Ульпиан: мурожаатни кўриб чиқиш мажбурияти:

Ульпианнинг De officio proconsulis асарида провинция намояндалари мурожаат қилувчилар учун очиқ бўлиши, уларнинг шикоят ва талабларини эътиборсиз қолдирмаслиги лозимлиги таъкидланади. Бу - хушмуомалалик ёки ахлоқий фазилат эмас, хизмат вазифаларидан келиб чиқувчи мажбурият. Матнда debere (“лозим”, “мажбур”) каби юридик тусдаги атаманинг қўлланиши, шунингдек мурожаат қилувчиларга нисбатан querentes тушунчасининг ишлатилиши - яъни оддий илтимосчи эмас, бузилган манфаатини ҳимоя қилаётган шахс назарда тутилиши - мазкур вазифанинг ҳуқуқий характерини кўрсатади. Д.В. Дождев ҳам officium (лотинча officium - бурч, вазифа, хизмат) тушунчасининг ахлоқий эмас, юридик-маъмурий мазмунига эътибор қаратади; Рим оммавий ҳуқуқи тизимининг яхлит таҳлили Л.Л. Кофанов тадқиқотларида берилган.

Шуни қайд этиш лозимки, миллий ҳуқуқшуносликда Рим ҳуқуқи мероси анъанавий равишда хусусий ҳуқуқ доирасида ўрганилиб келинган; оммавий-ҳуқуқий институтлар, жумладан мурожаат қилиш ҳуқуқининг тарихий асослари эса алоҳида тадқиқот предмети бўлмаган. Мазкур мақола ана шу бўшлиқни тўлдиришга қаратилган.

Шу билан бирга, Рим жамиятида шахснинг давлат олдидаги мақоми замонавий универсал инсон ҳуқуқлари концепциясига тенг бўлмаган; демак, бу институтдан умумий ва тенг конституциявий мурожаат ҳуқуқи келиб чиқади, деб бўлмайди. Замонавий ҳуқуқ учун аҳамиятли жиҳат - шахснинг ижтимоий мақоми эмас, балки ҳокимият вакили фаолиятини мурожаатни қабул қилиш ва кўриб чиқиш мажбурияти билан боғлаш ғояси.

Мурожаатни қабул қилишнинг ўзи етарли эмас: қабул қилиниб, мазмунан кўриб чиқилмаса ёки жавоб берилмаса, ҳуқуқ самарасиз механизмга айланади. Ульпиан

доктринасида мансабдор шахснинг вазифаларини бажармаслигига нисбатан юқори турувчи ҳокимият назорати мавжудлиги шу боис муҳимдир. Бу конструкция замонавий “мурожаат — давлат органининг мажбурияти” моделига функционал яқин: мурожаатнинг берилиши юридик факт сифатида қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, ваколатни аниқлаш, мазмунан кўриб чиқиш ва жавоб бериш мажбуриятларини вужудга келтиради.

Бошқача айтганда, H1 функционал жиҳатдан ўз тасдиғини топади. Гап Ульпиан субъектив “мурожаат қилиш ҳуқуқи” ни назарий категория сифатида ишлаб чиққани ҳақида эмас, унинг доктринасида мазкур ҳуқуқнинг айрим функционал элементларига мос келувчи мажбуриятлар мавжудлиги ҳақида боради.

3. Папиниан: асосланган жавоб ва виждонан фойдаланиш:

Император канцелярияси, хусусан a libellis тизими орқали шахсларнинг мурожаатлари император ҳокимиятига етказилган ва уларга ҳуқуқий жавоблар тайёрланган. Т. Оноре ушбу даврда императорлик жавобларининг юридик асосланганлиги ва услубий тартибга солиниши кучайганини кўрсатиб, учинчи асрдаги рескриптларнинг ички тузилишини палингенезия методи орқали тадқиқ қилган; Ф. Миллар эса канцеляриянинг қарорларни тайёрлашдаги институционал ролини очиб беради. У. Бабусио Папинианнинг Quaestiones асаридаги император ҳуқуқига оид шарҳларни таҳлил қилиб, юрист доктринаси билан канцелярия амалиёти ўртасидаги алоқани кўрсатади. Айрим рескриптларни шахсан Папинианга атрибуция қилиш манбашунослик жиҳатдан баҳсли бўлгани сабабли, тадқиқот предмети сифатида у фаолият юритган канцеляриянинг жавоб бериш амалиёти олинади.

Бу амалиётнинг аҳамияти шундаки, давлат жавоби оддий “ҳа” ёки “йўқ” шаклидаги маъмурий муносабатдан чиқиб, ҳуқуқий асосга эга қарор сифатида намоён бўлади. Мотивланган жавоб, биринчидан, шахсга қарорнинг ҳуқуқий асосини англаш имконини беради; иккинчидан, юқори турувчи орган ёки суд томонидан қонунийликни текшириш учун асос яратади. Шу маънода у замонавий маъмурий қарорнинг асослантирилиши принципининг тарихий-функционал прототипидир.

Канцелярия амалиётида индивидуал мурожаат фақат бир шахс манфаатини ҳал қилиш воситаси бўлиб қолмаган: муайян масала бўйича берилган жавоб кейинги ўхшаш ҳолатлар учун ҳуқуқий йўналиш вазифасини бажарган. Бу мурожаатлар институтининг ҳуқуқий ахборот ва ҳуқуқни аниқлаштириш функциясини кўрсатади. Бироқ рескриптни суд прецеденти билан айнанлаштириб бўлмайди - унинг таъсири уни умуммажбурий прецедентга айлантирмаган; бу ерда ҳуқуқий позицияни шакллантиришга таъсир этувчи институционал механизм ҳақида гапириш аниқроқдир.

Давлат органининг асосланган жавоб бериш мажбурияти мурожаат қилувчидан ҳам виждонан ҳаракат қилишни талаб қилади. Рескрипт институтида қарор кўп жиҳатдан мурожаат қилувчи тақдим этган маълумотларга таянган; муҳим ҳолатлар яширилса ёки ҳақиқатга зид маълумот берилса, бу қарорнинг юридик аҳамиятига таъсир кўрсатган. Манбалардаги obreptio (ҳақиқатни яшириш) ва subreptio (ёлғон маълумот бериш) тушунчалари айнан шу муаммони ифодалайди. Кўриниб турибдики, мурожаат ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқ эмас, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро боғлиқлигига асосланган процессуал муносабатдир.

Рим ҳуқуқида calumnia ва унга яқин институтлар орқали ҳуқуқий ҳимоя механизмларидан виждонсиз фойдаланиш чекланган, бу замонавий ҳуқуқни суиистеъмол қилишга йўл қўймаслик принципи билан функционал таққосланади, аммо улар тўлиқ тенг эмас: замонавий концепция анча кенг назарий асосга эга. Шунинг учун H2 “Рим ҳуқуқида мотивланган маъмурий жавоб институти мавжуд бўлган” деган қатъий шаклда эмас, асосланган жавоб ва виждонан фойдаланишнинг функционал элементлари мавжуд бўлган деган эҳтиёткор хулоса билан тасдиқланади.

4. Гай ва Юлий Павел: процессуал шакл ва шикоят кафолатлари:

Гайнинг “Институциялар”и, хусусан IV китоб материаллари, ҳуқуқни амалга оширишнинг процессуал шакл билан узвий боғлиқлигини кўрсатади: ҳимоя қилиш имконияти билан таъминланмаган ҳуқуқ амалий мазмунга эга бўлмайди. Шу нуқтаи назардан мурожаатнинг шакли техник талаб эмас — у мурожаатнинг субъекти, предмети ва талабини аниқлаш, уни ваколатли органга йўналтириш ва мазмунан кўриб чиқиш имконини беради. Замонавий институтда ҳам мурожаат қилувчининг идентификацияси, мурожаат мазмуни, талабнинг аниқлиги ва зарур ҳужжатлар шу вазифани бажаради. Ф. Шульц кўрсатганидек, классик давр юристлари доктринаси мустақил интеллектуал соҳа сифатида шаклланиб, ҳуқуқий конструкцияларнинг ички изчиллигини таъминлаган; процессуал шакл ана шу изчилликнинг амалий ифодаси эди. Бинобарин, H3 қуйидагича ифодаланади: процессуал шакл ҳуқуқни чеклаш воситаси эмас, уни амалга оширишнинг юридик кафолатидир.

Айни пайтда шаклга ҳаддан ортиқ урғу ҳуқуқни амалга оширишни қийинлаштиради; Рим процессининг формал хусусиятлари айрим ҳолларда ҳимояга эришишни чеклаган [9; 10]. Шунинг учун замонавий ҳуқуқ Рим процессидан шаклнинг ўзини эмас, аниқ ва олдиндан маълум процессуал механизм зарурлиги ҳақидаги принципни қабул қилади. Бундан амалий хулоса келиб чиқади: мурожаатда бартараф этилиши мумкин бўлган формал

камчилик бўлса, давлат органи уни автоматик рад этмасдан, камчиликни бартараф этиш имконини бериши лозим.

Мурожаат ҳуқуқи биринчи қарор билан тугамайди: қайта кўриб чиқиш имконияти бўлмаса, давлат органининг мажбурияти формал характер касб этади. Юлий Павелнинг апелляцияга оид қарашларида қарорни қайта кўриб чиқишни таъминловчи процессуал кафолатлар мажмуи намоён бўлади.

Биринчидан, шикоят муддати ҳуқуқий аниқликни таъминлайди — чексиз шикоят имконияти ҳуқуқий муносабатлар барқарорлигини бузади, шу боис шикоят ҳуқуқи ва ҳуқуқий аниқлик ўртасида мувозанат зарур. *Иккинчидан*, шикоятни қабул қилишнинг процессуал кафолатлари ҳуқуқни амалда таъминлайди. *Учинчидан*, энг муҳими - шикоят берилгач қарор ижросининг тақдири.

Мазкур кафолатларнинг институционал муҳити ҳақида замонавий тадқиқотлар қўшимча тасаввур беради. К. Туори (K. Tuori) кўрсатишича, император судлови олдиндан таъсис этилган расмий тизим сифатида эмас, балки мурожаатларга жавоб бериш амалиёти ва императорни сўнгги ҳакам деб билиш ҳақидаги умумий эътиқоднинг тарқалиши натижасида аста-секин шаклланган. М. Пичин (M. Peachin) эса император номидан суд юритувчи ўринбосар судьялар (iudex vice Caesaris) фаолиятини тадқиқ этиб, апелляция ишларини кўриб чиқиш ваколати императордан бошқа мансабдор шахсларга ўтказилиши мумкин бўлганини кўрсатади. Бу маълумотлар шикоят кафолатлари Римда муайян институционал шаклга эга бўлганини тасдиқлайди, бироқ уларни замонавий маъмурий-процессуал кодексларнинг бевосита манбаси деб баҳолашга асос бермайди.

Айнан ижро масаласи Рим ва замонавий Ўзбекистон ҳуқуқи ўртасидаги энг сезиларли фарқни очади. Рим моделида шикоятнинг ижрога таъсири ҳуқуқий ҳимоянинг реал самарадорлигини таъминлаш воситаси бўлган: қарор ижро этилгач шикоят қаноатлантирилса, ҳуқуқни тиклаш амалда имконсиз бўлиши мумкин. Бироқ замонавий бошқарувда ижрони ҳар доим автоматик тўхтатиш давлат функцияларининг узлуксизлигига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу фарқ камчилик эмас, ҳуқуқий ҳимоя ва оммавий манфаат ўртасидаги замонавий мувозанат натижасидир. Шундай экан, H4 бўйича функционал ўхшашлик мавжуд, аммо унинг замонавий шакли трансформацияга учраган.

5. Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил ва Ўзбекистон қонунчилиги:

ЎРҚ-445-сон Қонун [4] мурожаатни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш, жавоб бериш, шикоят қилиш ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигига оид

муносабатларни тартибга солади. Унинг функционал архитектурасини юқорида ажратилган тўрт элемент кесимида қуйидагича умумлаштириш мумкин:

Жадвал. Рим-ҳуқуқий конструкциялар ва ЎРҚ-445-сон Қонундаги функционал ифодаси

Рим-ҳуқуқий конструкция	Асосий вакил	Ҳуқуқий функция	ЎзР қонунчилигидаги ифода	Баҳолаш
Мурожаатни қабул қилиш ва кўриб чиқиш мажбурияти	Ульпиан	Мурожаатни эътиборсиз қолдирмаслик	Мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш мажбурияти	Юқори мутаносиблик
Асосланган жавоб	Папиниан (канцелярия амалиёти)	Қарорнинг ҳуқуқий асосини очиб бериш	Мурожаат натижаси бўйича асосланган жавоб	Юқори мутаносиблик
Виждонан фойдаланиш	Папиниан	Ёлғон ва суиистеъмолий мурожаатларни чеклаш	Ёлғон маълумотлар билан боғлиқ чекловлар	Қисман мутаносиблик
Процессуал шакл	Гай	Ҳуқуқни амалга ошириш процедураси	Ёзма, оғзаки ва электрон мурожаат шакллари	Юқори мутаносиблик
Шикоят қилиш	Юлий Павел	Қарорни қайта кўриб чиқиш	Шикоят ва юқори органга мурожаат механизмлари	Функционал мутаносиблик
Ижрони тўхтатиб туриш	Юлий Павел	Шикоят самарадорлигини таъминлаш	Махсус ҳуқуқий механизмлар	Қисман мутаносиблик

Жадвал ўхшашликларнинг матний заём эмаслигини кўрсатади: қайд этилган механизмлар турли тизимларда мустақил равишда ҳам шаклланиши мумкин, шу боис уларнинг ўзи бевосита рецепцияни исботламайди. Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тизими континентал анъаналар, миллий ҳуқуқ ижодкорлиги, совет даври институционал мероси ва мустақилликдан кейинги ислоҳотлар таъсирида шаклланган. Хулоса шуки, Рим ҳуқуқи билан боғлиқлик мавжуд бўлса ҳам, у бевосита эмас, кўп босқичли тараққиёт орқали юзага кирган - бу ерда “рецепция” ўрнига “функционал ворислик” тушунчаси аниқроқдир.

Институтнинг рақамлашуви электрон мурожаатлар, давлат органларининг платформалари ва Виртуал қабулхона жараённи технологик жиҳатдан ўзгартиради, аммо унинг юридик функцияларини бекор қилмайди: мурожаат қабул қилинганми, ваколатли органга етказилганми, мазмунан кўриб чиқилганми, жавоб асосланганми, шикоят имкони борми - бу саволлар рақамли муҳитда ҳам сақланади. Айни пайтда рақамли тенгсизлик, шахсга доир маълумотлар ҳимояси, автоматлаштирилган қарор қабул қилиш ва алгоритмлар шаффофлиги каби янги муаммоларни Рим ҳуқуқи орқали ҳал қилиш методологик жиҳатдан нотўғри: у принципларнинг тарихий прототипини тушуниш воситаси, тайёр норматив модель эмас.

Хулоса. Таҳлил натижалари қуйидаги таклифларни илгари суриш имконини беради:

Мурожаат қилувчининг виждонан ҳаракат қилиши презумпциясини қонунчиликда мустаҳкамлаш ва уни рад этишни давлат органининг асосланган далиллари билан боғлаш.

“Била туриб ёлғон маълумот бериш” мезонини аниқлаш: мурожаатни ёлғон деб баҳолаш учун ҳақиқатга зид маълумот берилгани етарли эмас, шахс буни била туриб амалга оширгани аниқланиши лозим. Бу давлат органларининг субъектив баҳосини чеклайди.

Шикоятнинг ижрони тўхтатиб туриш таъсирини такомиллаштириш: автоматик тўхтатиш эмас, балки инсон ҳуқуқларига жиддий ва қайтариб бўлмайдиган зарар етказиш эҳтимоли юқори ҳолатларда ижрони вақтинча тўхтатишнинг аниқ мезонларини белгилаш.

Мурожаатлар бўйича ҳуқуқий позициялар очиқ реестрини яратиш: кўп учрайдиган мурожаат турлари бўйича тушунтиришлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини эълон қилиш бир хил ҳолатларга бир хил ёндашувни, ҳуқуқий аниқликни, фуқароларнинг хабардорлигини таъминлайди ва такрорий мурожаатлар сонини камайтиради. Бу таклиф рескриптларнинг ҳуқуқий позицияларни тарқатиш функцияси билан функционал таққосланади, бироқ мутлақо бошқа ҳуқуқий асосда амалга оширилади.

Демак, классик Рим ҳуқуқи шахснинг замонавий маънодаги универсал ва тенг мурожаат қилиш ҳуқуқини шакллантирмаган, аммо унинг манбаларида ушбу институт учун муҳим функционал элементлар мавжуд: Ульпианда мурожаатни қабул қилиш ва эътиборсиз қолдирмаслик мажбурияти, Папиниан билан боғлиқ канцелярия амалиётида асосланган жавоб ва виждонан фойдаланиш талаби, Гайда ҳуқуқни амалга оширишнинг процессуал шаклига боғлиқлиги, Юлий Павелда шикоят кафолатлари. ЎРҚ-445-сон Қонун билан қиёс мазкур конструкцияларнинг аксарияти замонавий ҳуқуқда функционал жиҳатдан қайта намоён бўлганини кўрсатади.

Шундай қилиб, Рим ҳуқуқи замонавий мурожаат ҳуқуқининг тайёр модели эмас, аммо давлат органи томонидан мурожаатни кўриб чиқиш, асосланган жавоб бериш, процессуал шаклга риоя қилиш ва шикоят имконини таъминлаш каби институтларнинг функционал прототипларини шакллантирган ҳуқуқий манбалардан биридир. Бу ёндашув унинг тарихий аҳамиятини ошириб кўрсатишдан ҳам, инкор этишдан ҳам қочиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Gai. (1997). Institutsii [Institutes] (F. Dydynskii, Trans.; V. A. Savel’ev & L. L. Kofanov, Eds.). Yurist. 368 p.

2. Digesty Yustiniana [The Digest of Justinian] (L. L. Kofanov, Ed.; Vols. I–VIII). (2002–2005). Statut.

3. Constitution of the Republic of Uzbekistan. (2023). https://lex.uz/docs/6445145

4. Law of the Republic of Uzbekistan No. ZRU-445 of 11 September 2017 “On Appeals of Individuals and Legal Entities”. https://lex.uz/docs/3336169

5. Dozhdev, D. V. (2015). Rimskoe chastnoe pravo [Roman private law] (V. S. Nersesyants, Ed.; 3rd ed.). Norma: INFRA-M.

6. Kofanov, L. L. (2020). Sistema rimskogo publichnogo prava epokhi Respubliki i Printsipata [The system of Roman public law in the era of the Republic and the Principate]. Indrik.

7. Novitskii, I. B. (1972). Osnovy rimskogo grazhdanskogo prava [Foundations of Roman civil law]. Yuridicheskaya literatura.

8. Peretersky, I. S. (1956). Digesty Yustiniana: Ocherki po istorii sostavleniya i obshchaya kharakteristika [Justinian’s Digest: essays on the history of its compilation and general characteristics]. Gosyurizdat.

9. Pokrovskii, I. A. (2004). Istoriya rimskogo prava [History of Roman law]. Statut.

10. Khvostov, V. M. (1996). Sistema rimskogo prava [System of Roman law]. Spark.

11. du Plessis, P. J., Ando, C., & Tuori, K. (Eds.). (2016). The Oxford handbook of Roman law and society. Oxford University Press.

12. Honoré, T. (1994). Emperors and lawyers: With a palingenesia of third-century imperial rescripts, 193–305 A.D. (2nd ed.). Clarendon Press.

13. Millar, F. (1977). The emperor in the Roman world (31 BC–AD 337). Duckworth.

14. Peachin, M. (1996). Iudex vice Caesaris: Deputy emperors and the administration of justice during the Principate (Heidelberger althistorische Beiträge und epigraphische Studien, 21). Franz Steiner.

15. Schulz, F. (1953). History of Roman legal science. Clarendon Press.

16. Tuori, K. (2016). The emperor of law: The emergence of Roman imperial adjudication. Oxford University Press.

17. Salogubova, E. V. (1995). Osnovnye grazhdanskie protsessual’nye instituty rimskogo prava [Basic civil procedural institutions of Roman law] [Candidate of Sciences (Law) dissertation]. Lomonosov Moscow State University.

18. Babusiaux, U. (2009). Kommentare des Kaiserrechts in Papinians Quaestiones. Zeitschrift der Savigny-Stiftung für Rechtsgeschichte: Romanistische Abteilung, 126(1), 156–186. https://doi.org/10.7767/zrgra.2009.126.1.156